

Бугуннинг гапи



зорларимизни халқаро андозлардаги бозорларга айлан-тирмоқдалар. Янада муҳим, ривожланган хоржий давлатларнинг илгор технологик жиҳозларини, ахборот-коммуникация воситаларини, компьютерларини олиб келиб, мамлакат ҳаётини ривожлантираётган тадбиркорлар кўпаймоқда.

Бозорни диёнат бошқарсин

Аслида бозорни нима бошқаради? У қандай заруриятлар манбаида пайдо бўлади ва ривожланади? Бунинг жавобини бугун ҳамма билади: бозор — аҳолининг у ёки бу маҳсулотга ёки буюмга эҳтиёжи, талаби манбаида туғилади. Яъни, сизга нима зарур, уни ишлаб бозорга, дўконга борасиз ва харид қиласиз.

молар айнан ана шу бозор эҳтиёжи ва талаби бозор эгаларининг муносабати туфайли туғилмоқда. Янада аниқроқ қилиб айтсак, бугунги бозорда аҳолининг эҳтиёжи муносабат турлича. Халқимизнинг дили, эҳтиёжига ҳурмат-эҳтиром билан қарайдиган тижоратчилар ҳам, аксинча, бу эҳтиёжга чайқовчиларча муносабат ҳам, афсуски, мавжуд.

пугурини кетказаяпти. Ўзларини «кичик бизнес» вакиллари деб атайдиган бундай тижоратчилар учун юрт қадри, халқ эҳтиёжи муҳим эмас. Уларга муҳими — ўзларининг шахсий манфаати, пул, даромад эҳтисоби. Шу йўлда қандай пасткашликларга қарайди, дейсиз.

қатаётган, янги йил байрамини заҳар-зақумга, асабий кунларга айлантираётган чайқовчиларни нима, қандай музда бошқараяпти? Албатта, пул, мўмай даромад. Шахсий фойда дарди-да! Бундайларнинг бозоримиз сифатини кетказаятган «бисотлар»ни нафақат муҳофизат қилиш, ёки уларга жарима солиш керак. Бунингича, уларнинг тижоратчилик фаолиятларини халқ саломатлигига, юрт хўжалиғига зарар келтирётган жиноятчилик сифатида баҳолайдиган пайт келиди.

Хўш, биз нега бу мавзуда сўз очдик? Гап шундаки, ҳозир бозордаги ўткир муам-

моларнинг омборхоналарида эс-

ки, уларнинг дилида ҳозирча пул, даромад сақлашкорлик кучли ва бу ачинарли. Пойтахтимиздаги Олий бозори қаршида автобуслар бекати ёнида бир неча ошхона нўқталари ишлаб турибди. Уларнинг бири... ҳатто қаламга олишга ҳам тилинг бормади, аммо мажбуримиз — ҳожа-хона билан ёнма-ён. Ошпазлардан, нега бундай нуқул жойла иш юритаяптисизлар, деб сўрасангиз, «Бизга текани шу жой бўлди» деб илжайишди. Улар ҳам «кичик бизнес» вакиллари. Энди бу «бизнесчи»ларни нима бошқараяпти? Дибнат, инсоф эмас, албатта! Лекин улар одамларни ҳожа-хона ёнида овқатлантириб бўлса-да, чўнтақларини қап-пайтиради. Бизни бир нарса таажжубга солиди: буларга бу жойини ким ажратган? Санитария-гигиена ходимлари бундай нуқталарга нега эътиборсиз? Нега бу «шоввоз» тижоратчиларнинг ўзида ҳамият йўқ? Ҳеч бўлмаса, халқимизни ҳурмат қилишса бўларди. Афсуски, баъзи ҳам-шаҳарларимиз шу бадини ша-ронгаги овқатгоҳага «миқоз» бўлиб қолқатилар. Уларнинг ўзлари ҳам ҳамият бўлишини талаб қолқарди. Биз бу ошхона нўқтасини тилга олишнинг антаганитария шароитида ишлаётган овқатланиш нуқталари ягона эмас.

Хуллас, бизнес ривожини фақат шахсий, хусусий манфаат белгиламайди. Бозор соғувчи ва харидорнинг ўзаро манфаатлар ҳамкорлигига асосланган экан, бу ўзаро ҳурматта, бир-бирини тан олишга, демак, виждон, имон, диёнатга ҳам таянади. Диёнат бор жойда барак бора, ободлик бор, фаровонлик бор. У йўқолган жойда ҳамма эзгуликлар ҳам йўқолади. Диёнат бозор иқтисодиётига ҳам юксак маданий бо-қичларга кўтарди.

Михил САФАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2002 йил 16 майдан 31 майданга бўлган маълумот):

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг юридик шахсларга мўлжалланган облигациялари чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил 22 апрелдаги 10/4-сон қарори.
2002 йил 16 майда 1140-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 26 майдан кучга кирди).
2. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигациялари чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил 22 апрелдаги 10/4-сон қарори.
2002 йил 16 майда 1141-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 26 майдан кучга кирди).
3. «Ижтимоий соҳа объектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига табиий газдан фойдаланиш учун рўхатнома бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2002 йил 29 апрелдаги 58, 1, 012-1/504-сон қарори.
2002 йил 21 майда 1142-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 31 майдан кучга кирди).
4. «Айрибошлаш шохбосчи тўғрисидаги низомага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил 10 майдagi 505-1-сон қарори.
2002 йил 21 майда 1114-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 31 майдан кучга кирди).
5. «Йўл патталарини бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил 10 майдagi 504-1-сон қарори.
2002 йил 21 майда 1115-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 31 майдан кучга кирди).
6. «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақидаги ўз вақтида ва тула миқдорда тўлинишини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2002 йил 13 майдagi 54-сон буйруғи.
2002 йил 21 майда 1032-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 31 майдан кучга кирди).
7. «Меъёрий маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Файз» холдинг компанияси корхоналари томонидан «Файз» холдинг компанияси махсус ҳисоб рақамга ўтказилган икки фоизлик акция солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2002 йил 21 майдagi 60-сон буйруғи.
2002 йил 24 майда 1143-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 31 майдан кучга кирди).
8. «Давлат акциялар пакети (пайлар)ни ишончли бошқарува бериш бўйича танловлар ўтказиш қонди-ларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2002 йил 26 апрелдаги ИУ-01/45-сон қарори.
2002 йил 27 майда 1034-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 6 июндан кучга кирди).
9. «Божхона юк декларациясини тўлириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 19 майдagi 02/20-13-сон қарори.
2002 йил 27 майда 834-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 6 июндан кучга кирди).
10. «Қўнғинчида белгиланган муддатларда устав маблағларини (жамғармаларини) шакллантирмаган хоржий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 17 апрелдаги 51, 2002-40-сон қарори.
2002 йил 27 майда 1144-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 6 июндан кучга кирди).
11. «Ўзбекистон Республикаси банк депозитларининг миллий ахборотлар базаси ва унда микозларга ҳос ракам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхати юритиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил 22 апрелдаги 10/5-сон қарори.
2002 йил 30 майда 1145-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 9 июндан кучга кирди).

IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

- 1. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўйилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бўлиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (бунга таҳрир).
2. «Қўриқлик шахсларга солиқ божхона ва мажбурий тўловларни бажариш бўйича бериладиган имтиёзларнинг расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобиди акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.
3. «Ички уй муҳандислик коммуникациялари ва 1994 йилгача қурилган турар жойларнинг умумий фойдаланишидаги ерларни реконструкциялаш ва капитал таъмирлаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг қарори.
4. Ўзбекистон Республикасида жамоат автомобил ва электр транспортдан фойдаланишда шавҳар, шавҳар атрофи, шавҳарларо, халқаро йўналишларда ва соғай ташишлар бўйича ташишдан йўловчилар сонини ва бажарилган йўловчи-километр иш ҳажмини аниқлаш бўйича йўриқнома. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.
5. «Силавий тадбиркорлик субъектларига Иш билан таъминлашга қўмақлашувчи давлат жағмармаси кредит линиялари ҳисобидан тижорат банкилари орқали микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисомий муҳофиза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Макроэкономика вазирлиги, Марказий банк, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг қарори.
6. «Қорхоналарнинг акциялари, улушлари (пайлар)ни, икки йил давомда тўлиқ сотилмаган ҳамда инвестиция мажбуриятлари қиймати объектнинг бўёқсизга киритиш шарти билан объектларни инвесторларга сотиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қарори.
7. «Кредит уюшмаларини рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қарори.
8. «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва боджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори.
9. Фавқулодда вазиятларда аҳолини оғохлантириш учун телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низоми. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган.
10. «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари қўв ҳоналарида фойдаланишнинг тартиби ишлаш қонди-ларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистоннинг буйруғи.
11. «Гибельлик воқеалардан ёки психотроп моддаларни нотўғри истифода қилувчи шахсларни, наркомания ёки токсикомания билан касалланган беморларни тиббий қўриқдан, текширувдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва кузатиб бориш, уларга наркологик ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг қарори.
Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.
Савол ва тақлифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

«АСАКА» БАНКИ

даромадларингизни ошириш ва омонатларингизни ҳимоя қилиш мақсадида сизга қўйидагиларни таклиф қилади:

- 1) қайта кўриб чиқилган юқори фойз устамали омонатлар:
«ТАБАССУМ» (муддати камида 45 кун) — 45 кун учун 6%
«ОРЗУ» (уч ойдан кам бўлмаган муддатга) — ҳар ойда 3,5%
Муддатли:
6 ойдан 1 йилгача — йилига 35%
1 йилдан 3 йилгача — йилига 42%
2) Ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига 3% кўчириш билан амалга оширилади, қолдиқнинг энг кам миқдори 300 АҚШ доллари.
3) Муддатли:
1) БИР ЙИЛГАЧА — ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига 6% камида 5000 АҚШ доллари кўчириш билан амалга оширилади;
2) БИР ЙИЛДАН ИККИ ЙИЛГАЧА: — йилига 7%
5000дан 10000 АҚШ доллагача — йилига 8%
10000 АҚШ доллари ва ундан юқори ҳар ярим йилда тўлаб борилади.

3) Депозит пластик карточкалар ҳар ойда қолдиққа 3%дан кўшиб бориш билан йилига 42,6%гача.
4) Фойз тўловини омонатлар валютасида бериш.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ТЕЗ ВА ИСТАГАН ПАЙТИНГИЗДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. «АСАКА» БАНКИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТўЛА КАФОЛАТЛАЙДИ.

Бундан ташқари, «Асака» банки: «AMERICAN EXPRESS» йўл чекларини тўловга қабул қилади ва сотади; депозитар ячейкаларни қимматбаҳо нарсаларни сақлаш учун ижарага беради.

Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92. Манзилмиз: 700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67. Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚЎЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ва ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.
Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва соғлаб берилади. Завод кафолати берилади.
Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

«Хива — Карпет» гиламлари

Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги меваси — «Хива - Карпет» қўшма корхонаси шу йилнинг август ойида дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлади. Бир йилда 2,321 миллион квадрат метр гилам ва поёндоз, шунингдек 2,69 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхонада ускуналарни ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Тахминларга кўра корхонанинг жорий йилдаги экспорт ҳажми 34 миллион немис маркасини, 2009 йилга бориб эса 39 миллион немис маркасини ташкил этар экан.

Оилавий ҳаётга тайёرمىсиз?


«Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими «Винрок интернейшл» жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Гиждувон туманида ўқитувчи аёллар аянжуманини ўтказди. Семинарда балогат ёши бўсағасида турган қизлар оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларига алоҳида уру берилди.

«ЎЗТРАНГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташиқлотлар раҳбарлари диққатига!
«ЎЗТРАНСТАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган нархлар преysкурантига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2002 йилининг 1 июнидан бошлаб, қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб.метр газ учун 11100 сўл миқдорда белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Менгер ЭВЛОН ҚИЛАДИ.
Тенгерада широк эгинини хоҳловчилар маълумот олиш учун ЭВЛОН матбуотда чоп этилган қўндақ ёнма-ён 30 кун давомида қўйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.
Тошкент шаҳри, Абай қираси, 4-уй, 227-хона.
Телефонлар: 44-89-42, 214 (ишк).
Факс: 44-44-57

Навойи кунда керак

«БҮЙИ БИРЛА СОЧИНИ ТЕНГ ЯРАТТИ...»



Навойининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асрида «менг» сўлига мисол тариқасида бир байт келтирилди: «Ва ҳусн таърифиди улур-роқ холғим, турклар «менг» от қўйотурлар, алар (форсиёнбонлар — С.О.) от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким, БАЙТ: Анингким, ол энгидида менг яратти, Бүйи бирла сочини тенг яратти».

Устоз адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Натан Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» даражидида XIV аср ўзбек шоири Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» деган асари ҳақида гапириб, «Муҳокамат ул-луғатайн»да келтирилган ана шу байтнинг гузаллигини таърифлайди-да: «Бу мисраларни Навойи «Муҳаббатнома»дан олганми ёки уларни ашулардада эшитганми — буни билмаймиз», — деб ёзади.

Чиндан ҳам, Навойи бу байтни қаердан олди экан?

Байт — «Муҳаббатнома»нинг олтинчи қўшимчаси. Шоир кеча ва кундузни бир чиройли қиз ё келинчақ каби тасаввур қилиб, унинг қизил юзидида менг — катта хол яратди, лекин буйи билан сочини тенг яратди, дейди. Бундаги қизил юз («ол энг») ва «буй» раман — кундузни, «менг» ва «соч» — кечани билдиради. Демак, Худо кундуз билан кечани тенг қилиб яратди, дейилмоқчи. Умуман олганда, йил давомидаги жами кундузлар билан жами кечалар йиғиндиси ўзаро тенг-ла.

«Буйи бирла сочини тенг яратти» — туркий шеърдаги Хоразмийнинг соҳир қалами қўшган ифодавий топилма. Навойи эса адабиёт, ҳусусан, туркий шеърдаги йилт этган бирор нимасани ҳам имкон қадар қўздан қочирмагани аниқ. Ахир, Шарқда шоирлар биргина гузал ифода учун ҳам улардан олқини олган, катта шухрат топган-да. Кейин ўша бадиий топилдиқ шу шеърнинг мулкига айланган, бошқа шоирлар ундан фойдаланганлар. Фақат энди унга нимадир янгилик қўшибгина ишлатиш шарт бўлган.

Навойи газалларидида биринчи манба бўлган турк-кун тенглиги буй билан сочини баробарлигига қисс қилинади.

Васил аро қўрғон, тенг эшик бўйи сочи, Ўз-ки тенг эшик, эшик ўзи бўлиб ю Навоӣ.

Бу ерда Хоразмий байтидаги гузал ташбиҳдан ижодий фойдаланилгани кўриниб турибди. Демак, Навойи «Муҳокамат ул-луғатайн»даги байтни шу асарнинг ўзиндан олган бўлиши керак, дейишга бир асос бор.

Айни даврони исботловчи бундан ҳам муҳим далиллар-да мавжуд.

Навойи «Фарҳоду Ширин»нинг хоқон угли — Фарҳод учун йилнинг тўрт фаслига мослаб қурдиргани қасрлар таърифи бағишланган 17-боби шундай бошланади:

Ҳамал таҳлил этмак меҳр гулчехр, Очар юз эва замона кўрғач ул меҳр.

Қилур машотайи сунь ошкоро, Арси дахрнинг ҳуснига оро.

Қилур туи бирла зулфу кун била энг, Этар лекин буйи бирла сочин тенг.

Мазмуни: «Гул юзли куёш ҳамал буржита кирганда замона у куёшни кўрғач, юз гул очиди (ҳам «юзи гулдай очилди», ҳам «юзта гул очилди» — С.О.), яратиш пардозийси эса замона келини ҳуснига оро беради, тулдан соч, кундан чехра ясади, лекин сочи билан буйини тенг қилади, яъни

баҳор бошланиб, гуллар очилади, замона гузаллашади, кеча-кундуз баробар бўлади» (Порсо Шамсиев байни).

Демак, Навойи «Муҳокамат ул-луғатайн»да келтирилган байтни «Муҳаббатнома»дан олгангина эмас, «Фарҳод ва Ширин»да ундан бевосита таъсирланиб қалам сурган. Лекин энди мазмун ўзга муайяндик ва таъсир ўзга гузаллик касб этган. Навойи айнан Наврўзи — кеча билан кундузнинг баб-баробар келадиган пайтини кўзда тутган. Унда Наврўз «аруси дахр», яъни «дунё келинчаги» деб таърифланади. Илк баҳор билан келинчақ ўртасида ажиб бир айтулик бор.

Наврўз — фақат йилнинг эмас, баҳорнинг ҳам бошланиши. Бизда баҳор фасли 1 мартдан эмас, 21 мартдан ҳисоб қилинган. Хоразмийда дунёда кеча ва кундузнинг умумий тенглиги айтилган эди. Лекин бу Худонинг Ерда ҳаёт пайдо қилиши ҳақидаги байтлар сирасига келганлигидан унда Наврўзга ҳам раамий ишора йўқ эмас. Чунки ўша байтдан кейин ўқиймиз:

Қара тупроқдин сунбул туратти, Тисанлар орасида суз туратти.

Қора тупроқдан сунбул униб чиқши, тисанлар орасида суз пайдо бўлиш ҳам баҳордан дарак. Энди Навойининг ўша байтдан кейинги қўшимчасига қулоқ тутаилди:

Рутубат еткуруб ҳар сори ёғин, Тар айлаб қатрадин гуллар димоғин.

Демак, ёғин ёғиши билан гуллар димоғи ҳўл бўлади. Байтаги «қатра» тимсолининг ҳам «Муҳаббатнома»га ворисийлиги бор. Чунки Хоразмийнинг ўша байтдан олдинги қўшимчасида «қатра» тилга олинган эди.


Ҳамол узра берур шунқорга кунин, Тўзи ойдек килур бир қатра сунин.

Хуллас, «Фарҳод ва Ширин» 17-боби бошланмаси бевосита «Муҳаббатнома» бошланмаси таъсиринда — ундан тарҳ олиб битилган. Бундан: Навойи «Фарҳод ва Ширин»ни, гарчи шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, аслида «ҳинд соҳирини» — Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав»ига жавобия тарзида ёзилган бўлса-да, унда бевосита туркий, яъни ўзбек адабиётига ворисийлик аломати ҳам кучли, деган хулоса келиб чиқади. Навойи бу достонни яратганда унинг вазни — ҳажжи мусалласи мақсурда битилган маснавийларини илчил ўрганган. «Муҳаббатнома»нинг ҳам ана шу вазнда экани юқорида қўриб ўтилган таъсир учун жуда қўл келган.

Алишер Навойи «Хамса»си — наинки туркий, нафақат форсий, умуман, Шарқ шеърини майдонидида мўжаз бир чўққи. Бундай чўққилар жаҳон сўз санъати саҳнасидида ҳам жуда оз. «Хамса»да ана шу эгизак адабиёт — форсий ва туркий сўз санъатининг жамик ҳисслари ажиб тарзда уйғунлаштирилган — синтезлашган. Шу тариқа шоир даҳосининг кучу қудрати билан адабиёт янги бир юксак поғонага қўтаририлган. Гарчи Навойи ижодининг форсий адабиёт билан алоқадор жиҳатлари у ё бу тарзда ўрғанилган бўлса-да, унинг бевосита ўзимизнинг туркий адабиёт билан боғлаб турган илдиларини тадқиқ этиш очилмаган қўриқ янглиғ турибди.

Тун билан кун тенглиги ҳақидаги биргина байтнинг Хоразмий қўшимчасига вобасталиги ана шундай хулосалар беради. Зотан, ҳарят Навойи ижодининг зарраларида қўйилар акс этгани учун унинг майда-майда чизилари замирида ҳам катта-катта масалалар ётибди.

Султонмурод ОЛИМ.



«Қаришлар — эл фахри, юрт ифтихори» ТОНЛОВИГО

ХУДОЙҚУЛ БОБО ҲУГИТИ

Сирдарё вилояти Ховос туманида «Фарҳод» ширкат ҳўжалиги бор. Худойкул ота Умаралиев шу ерда истиқомат қилади. Олти нафар фарзанднинг падари бузрукчови бутунги кунда ўттиздан зиёда набираларнинг бобоси бўлиб ўтирибди. Ҳиздан қўягани шу-да. Фарзандлар дастурхонимиз тўқин, турмушимиз фаровон бўлиши учун турли жабҳаларда самарали меҳнат қилишяпти. Чунки оталари уларга ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол яшашни ўргатган. Ҳалол лўкма нафақат тотли, балки хотиржамлик гарови бўлишини ҳам қайта-қайта ўқтирган. Бу каби ўғитлар фарзандлар, набираларнинг ҳаётда ўз уринини топишида қанчалар мадад бўлгани уларнинг ўзинга аён. Шу боис ҳам отажонларини еру қўққа ишониймайди.

СУРАТДА: Худойкул ота Умаралиев фарзандлари билан. Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Авлодлар мулоқоти


Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида «Му-саавир ва китоб» мавзусида график асарлар кўргазмаси очилди. Кўргазмадан ўтган асрнинг 60-70 йилларида ижод этган Т. Муҳамедов, И. Кирикаиди, А. Гуломов сингари мусавирлар билан бир қаторда Камолдидин Беҳзод номидидаги расомчилик ва дизайн миллий институти талабалари Ш. Одилов, М. Қўзиева, Н. Жаб-борова, С. Мунинова сингари ёш истеъодларнинг асарлари ҳам ўрин олган.

САВОЛ БИЗДАН...

Миллий валютаси кип, деб аталадиган давлат қайси? Кечаги сонда берилган саволининг жавоби: 136-35-60 Баҳрайн.

Истиқболимиз тимсоллари

«XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ қучли бўлади? Бу саволга аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, орномусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсайтган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин».



СИЗ УЛАРНИ ТАНИЙСИЗ!

Она-Ватан байроғини дунё узра баланд кўтарётган, хизматлари жаҳон миқёсидида эътироф этилган ёшларимиз ҳақидаги маълумотлар жамланган «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китоби давлатимиз раҳбарининг ана шу пурмаъло фикрлари билан очилди. Беш бўлимдан иборат бу спорт тури билан шуғулланиб келади. Унга дастлаб П. Шарипов устозлик қилди. Асли бухоролик бўлган И.Халилов Андижондаги республика Олимпия ўринбосарлари коллежидида ўқиганида Александр Ким қўлида маҳоратини оширди. Игорнинг қачон, қаерда, қандай зафарларга эришгани кўпчиликка маълум. Шунинг учун ҳам мен бошқа жихатга — унинг ғалабалари — замиридаги жароғига эътиборни қаратмоқчиман. Ота-си ҳам полвон эмасми, ҳудо унга аллаларга хоc қомат берган. Бу биринчиси. Иккинчидан, кўзида шиддат, ишонч, қатийлик ёниб туради. Бизнинг соҳамизда бу жуда муҳим. Учинчиси ва, асосан, у кўп меҳнат қилади, ус-тозларнинг айтаганини вақтида бажаради. Утиларга амал қилиб ҳам бўлаётгани йўқ. Мана, Каттардаги Гран-прида бронза медалга билан бирга пул мукофотида ҳам сазовор бўлди. «Осиё юлдузлари» беллашувига тақлиф қилинганми-чи?

Мутасхиссар 1984 йилда тутилган Ботир Усмоновнинг кезақига катта умид боғлашмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Ботир ҳозир бутун дунё оғир атлетикачилари назаридида турибди. У ўз вазида жаҳонда тенги йўқ спортчи бўлиши керак. 16 ёшида Осиё рекордини (2000 йил, Корея) янгилатгани, Хитойнинг Ухан шаҳрида ўтказилган қитъа биринчилигида учта олтин медалини қўлга киритгани шундан дарак беради. Ботир ҳозир Ички ишлар академиясида ўқиб билиш билан бирга устози билан бирга ус-тоз — амалик Валижон Усмонов раҳбарлигида навбатдаги нуфузли мусобақаларга жиддий тайёрларлик кўрмоқда. Ана шундай беллашувлардан бири 26-30 июнь кунлари Ан-қарада бўлиб ўтади.

Яна қандай гапларингиз бор?

Бизга яратилган шароит, хоржий турнирларда қатнашишга имкон тузираётган ҳукуматимизга, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбариятига, шойларимизга оғир атлетикачиларимиз номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Шунлар қўлаб-қувватлаётгани, халқимизнинг ишончини оқлайгани шундан кейин ҳам оқлайми, ҳудо хоҳласа. Оилада ўғил туғилса, полвон бўлади дея қувонади ҳамма. Шунинг ўзи биз полвонларга катта баҳо бўлиб туялади, енгилмас куч беради. Куч бор эканки, на-тижа ҳам зўр бўлади.

«Халқ сўзи» шарҳловчиси Озод РАЖАБОВ сўхбатлашди.


СИЗ ДОЛЛАРЛАРИНГИЗНИ ТўШАК ОСТИДА САКЛАЙСИЗ ВА БУНИ ПУЛИНГИЗНИ АСРАШНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ УСУЛИ, ДЕБ ХИСОБЛАЙСИЗ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ВАЛЮТА ЖАМФАРМАЛАРИНИ САКЛАШНИНГ ЯНАДА ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ УСУЛИНИ — «АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС» ЙЎЛ ЧЕКЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.



- Харид чоғида чекка имзо чекиб, сиз ўз пулларингизни йўқотишдан ҳимояланасиз ва уларни фақат ўзингиз сарфлашингизга ишончингиз комил бўлади.
- «АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС» чеклари мuddатсиздир.
- Йўл чекларингизни йўқотсангиз, дарҳол Миллий банкка ёки йўл чекларини тиклаш хизматига телефон қилинг, у ерда чекингизни тиклаб беришади.

ЖАМФАРМАНГИЗ САКЛАНИШИ ҲАҚИДА ЎЗ ВАҚТИДА ЎЙЛАНГ! Йўл чеклари «Ўзмилийбанк»нинг ва ваколатли банкларнинг барча бўлими ва филиалларида, шунингдек, алмашув пунктларида сотилади ва тўлов учун қабул қилинади. Мулоқот учун телефонлар: 137-62-81, 34-12-09. Йўл чекларини тиклаш хизмати (+095) 956-08-29. www.nbu.com



«АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС» КОМПАНИЯСИ МОЛИЯ БОЗОРИДА 1880 ЙИЛДАН БУЕН ИШЛАБ, ЙЎЛ ЧЕКЛАРИНИ ЧИҚАРИШ БОРАСИДА ПЕШҚАДАМ ЎРИННИ ЭГАЛЛАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ» КОМИССИЯСИНИНГ

2002 йил 31 майдаги мажлиси 2-сонли баённомасига асосан туризм фаолияти учун берилган қуйдаги корхоналар лицензияси амал қилиши тугатилди:

ФИРМА НОМИ	ЛИЦЕНЗИЯ РАҚАМИ
1. «САМО ТУР» хусусий фирмаси	101-00
2. «Оссурия-тур» масъулияти чекланган жамияти	032-00
3. «Алгема сервис» масъулияти чекланган жамияти	497-99
4. «Шохан» хусусий фирмаси	432-99
5. «Фелита Тур» масъулияти чекланган жамияти	332-97
6. «KAMCLOT TECHNOSEVIS» масъулияти чекланган жамияти	307-97
7. «TURON-TUR» масъулияти чекланган жамияти	101-95/091-00
8. «Хива» туристик ассоциацияси	437-99
9. «Хоразмтемирўлсервис» кичик корхонаси	429-99
10. «Газқурилиш» кўп тармоқли таъминот корхонаси	403-98

Тошкент давлат юридик институти жамоаси «Жинойт ҳуқуқи» кафедраси доенти Муроджон Ҳазратқулочев СУЛАЙМОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Талим-Савдо» бош бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Васила Салахулдиновага волидан муҳтарамаси ВАЛИЯ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Давлат акциядорлик «Ўзўйбойжамғармабанк» жамоаси, банкнинг шаҳар бўлими ходими Сайёра Маҳмудохжаева ҚОСИМОВНИНГ бевақт вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкитаси жамоаси қўмитанинг Индустрия мажмуасида хусусийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Пазилдин Кутбиддиновга акаси Насриддин ЖАЛОЛОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

Акциядорлик тижорат «Пахта-Банк» бошқаруви, қасаба уюмаси ва жамоаси «Пахта-Банк»нинг юридик бошқармаси ходими Д. Сарваровага турмуш ўрғот.

Жаловбек НУРМАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираломов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худойёров, И. Шогўломов, О. Қайипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўттири тартиби № 00001. Буюртма Г — 576. 36491 нусхада босилган, ҳажми — 2 табоқ. Об'ект усулида босилган. Қўроз бичими А-2. Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зоҳир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 ҳафтадан зиёд материаллар қабул қилинади. П — Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев. Навбатчи — М. Юсупов. Мусахх — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти — 21.00 Топшириди — 22-10 1 2 3 4 5 6